

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ
ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

САЛИМОВ АБДУМАЖИД АБДУВОХОБОВИЧ

**САНОАТ ТАРМОҒИДА КИЧИК БИЗНЕС КОРХОНАЛАРИ
ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ
(Фарғона вилояти мисолида)**

**08.00.15 – Тadbиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти
08.00.03 – Саноат иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Contents of dissertation the abstract Doctor of Philosophy (PhD)
in economics sciences**

Салимов Абдумажид Абдувохобович

Саноат тармоғида кичик бизнес корхоналари иқтисодий самарадорлигини
ошириш йўллари (Фарғона вилояти мисолида).....3

Салимов Абдумажид Абдувохобович

Пути повышения экономической эффективности предприятий малого
бизнеса в промышленной отрасли (на примере Ферганской области).....29

Salimov Abdumazhid Abduvokhobovich

Ways to improve the economic efficiency of small businesses in the industrial
sector (on the example of the Fergana region).....55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published work.....59

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ
ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

САЛИМОВ АБДУМАЖИД АБДУВОХОБОВИЧ

**САНОАТ ТАРМОҒИДА КИЧИК БИЗНЕС КОРХОНАЛАРИ
ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ
(Фарғона вилояти мисолида)**

**08.00.15 – Тadbиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти
08.00.03 – Саноат иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.3.PhD/Iqt145 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона политехника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsue.uz) ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Гафуров Убайдулло Вахабович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Карриева Якутджан Каримовна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Рустамов Нарзилло Истамович
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
доцент

Етакчи ташкилот:

Наманган муҳандислик технологиялар институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2020.I.16.02 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 233-60-01; e-mail: tsue@tsue.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-28-72; e-mail: tsue@tsue.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «_____» _____ куни тарқатилди.

(2022 йил «_____» _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

М.П. Эшов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Д.М. Мавлянова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш котиби, PhD, доцент

А.У. Бурханов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда саноат тармоғи жаҳон иқтисодиётининг барқарор ўсишига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган етакчи тармоқлардан бири ҳисобланади. Мазкур тармоқ ўз салоҳиятини намоён этишида кичик бизнес корхоналарининг имкониятларидан фойдаланиш сезиларли таъсир кўрсатади. Зеро, кичик бизнес иқтисодиётнинг ҳаракатчанлиги ва мослашувчанлигини таъминлаш, ундаги рақобат муҳитини кучайтириш, янги иш ўринларини яратиш, саноат кооперациялари орқали йирик корхоналар самарадорлигини ошириш сингари ижтимоий-иқтисодий функциялардан саноат ишлаб чиқаришини ташкил этишда фойдаланиш тармоқнинг фаолият самарадорлигини сезиларли даражада оширади. Шунга кўра, кейинги йилларда ривожланган мамлакатларда кичик саноат корхоналари фаолиятини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳон иқтисодиётида кичик саноат корхоналари иқтисодий самарадорлигини янада оширишга оид кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Саноат ишлаб чиқаришини ташкил этишда кичик бизнес имкониятларидан самарали фойдаланиш, унинг иқтисодий функцияларини йўлга қўйиш орқали тармоқ самарадорлигини ошириш, кичик саноат корхоналари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва тартибга солишнинг замонавий усул ва воситаларини жорий этиш, жумладан, унинг инфратузилмасини такомиллаштириш орқали иқтисодий самарадорлигини ошириш, тармоқдаги кичик бизнес корхоналарининг йирик корхоналар билан кооперацион ҳамкорлик алоқаларини рағбатлантирувчи иқтисодий механизмларни йўлга қўйиш борасидаги тадқиқотлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш давлат иқтисодий сиёсатининг марказий бўғини ҳисобланади. Иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари, жумладан, саноат тармоғида кичик бизнес корхоналари фаолиятини такомиллаштириш, юқори қўшилган қийматли маҳсулотларни ишлаб чиқаришда соҳанинг иштирокини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясидаги “Тўртинчи йўналиш – иқтисодиётимизни саноатлаштириш доирасида бой хомашё захираларимизни чуқур қайта ишлаш орқали юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш”¹ ҳисобланади. Мазкур йўналиш доирасидаги вазифаларни амалга оширишда кичик бизнес корхоналаридан кенгроқ фойдаланиш, йирик саноат корхоналарининг кичик корхоналар билан саноат кооперацияларини ташкил этиш орқали синергетик самарага эришиш, импорт маҳсулотларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳамда экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқаришни диверсификациялашда мазкур соҳанинг имкониятларидан

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон фармони билан тасдиқланган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси” (III-бўлим, 36-мақсад). www.lex.uz.

фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Шунингдек, ҳудудлар саноат ишлаб чиқариш ҳажмида кичик саноат корхоналари улушини ошириш орқали саноат тармоғининг таркибий тузилишини такомиллаштириш, маҳаллий минерал хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш орқали рақобатбардош экспортбоп тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган саноат корхоналарининг фаолиятини ташкил этишда кичик корхоналар билан саноат кооперациялари имкониятларидан фойдаланиш, кичик саноат зоналари иштирокчиларига сифатли логистика хизматлари кўрсатиш бўйича замонавий инфратузилмани шакллантириш, ҳудуд саноатини диверсификация қилиш, юқори қўшилган қийматли ишлаб чиқаришларни туман ва шаҳарларнинг иқтисодий ва ресурс салоҳиятидан келиб чиқиб, мақбул жойлаштириш ишларини самарали олиб бориш орқали кичик корхоналари самарадорлигини ошириш бу борадаги ҳал этилиши лозим бўлган масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 июндаги ПФ-6244-сон “Ҳудудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони, 2022 йил 24 январдаги ПҚ-99-сон “Республикада ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва саноат кооперациясини кенгайтиришнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2021 йил 30 апрелдаги ПҚ-5101-сон “Махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2021 йил 27 майдаги ПҚ-5127-сон “Фарғона вилоятининг Учкўприк туманида енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни, логистика ва савдо тармоқларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2021 йил 21 апрелдаги ПҚ-5088-сон “Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолиятини ташкил этиш ҳамда ёшларнинг тадбиркорликка оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 1 майдаги ПҚ-4302-сон “Саноат кооперациясини янада ривожлантириш ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 21 июндаги ПҚ-4363-сон “Кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 25 октябрдаги ПҚ-3356-сон “Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 833-сон “Саноат ярмаркалари ва электрон кооперация биржаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 9 мартдаги 134-сон “Кичик саноат зоналари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий

ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кичик бизнес фаолиятининг турли жиҳатлари МДХ ва бошқа хорижий мамлакатларнинг кўплаб олимлари, жумладан, Р.Андерсон, Ж.Вальн, Г.Гарвен, Ж.Йохансон, П.Жулиен, Н.Карагазоглу, С.Кэмпбелл-Хант, С.Линделл, Р.Лоустаринен, Л.Пистичелло, Ф.Сгобби, Л.Уэльш, М.Фуджита, С.Четти ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Ўзбекистонда кичик бизнес соҳаси ривожланишининг турли масалалари С.С.Агзамхўжаев, А.М.Алимов, У.Алимов, А.А.Амбурцумян, У.Р.Валижонова, Қ.Муфтайдинов, А.Д.Расулмухаммедов, И.Б.Рустамова, С.К.Салаев, Д.В.Тростянский, И.Э.Турсунов, Ш.Р.Холматова, А.А.Худояров, Э.М.Эргашева, У.В.Ғафуров ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ўрганилган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар М.А.Махкамова, Б.Т.Салимов, Б.А.Мурадов, Г.А.Саматов, Г.Ж.Аллаева Н.М.Зиявитдинова, З.А.Балташева, И.Ю.Умаров, А.Ж.Абдуллаев ва бошқаларнинг илмий ишларида саноат корхоналарини барқарор ривожлантириш ва иқтисодий самарадорлигини таъминлаш масалаларининг турли жиҳатлари тадқиқ қилинган². Бироқ бу тадқиқотларда саноат тармоқларидаги кичик бизнес корхоналарининг фаолият самарадорлигини оширишнинг илмий-услубий асослари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Фарғона политехника институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади саноат тармоғида кичик бизнес корхоналари иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича илмий-услубий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

²Махкамова М.А. Формирование организационно-экономического механизма управления инновационной деятельностью на промышленных предприятиях Республики Узбекистан. Дисс. док. экон. наук. - Т., 2004.-291 с.; Салимов Б.Т. Моделирование использования и развития производственного потенциала региона (на примере Сырдарьинской и Джизакской областей Республики Узбекистана): дисс. д.э.н. – Т., 1992.; Мурадов Б.А. “Чарм-пойабзал корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўллари. 08.00.03 – Саноат иқтисодиёти. – Т., 2018; Саматов Г.А. Инновационная техника ва технологиялар самарадорлиги ва унда техник-иқтисодий тадқиқотларнинг ривожлантирилиши. //Иқтисодиёт ва таълим. №1.2015. 48-52-б.; Аллаева Г.Ж. Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетика мажмуаси корхоналарини барқарор ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми услубиятини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Т., 2021. – 14 б.; Зиявитдинова Н.М. Озиқ-овқат саноати корхоналари фаолияти иқтисодий самарадорлигини ошириш (Бухоро вилояти мисолида) И.ф.н.дисс.08.00.04-Микроиқтисодиёт. – Тошкент, 2006.; Балташева З.А. Қорақалпоғистон Республикасида озиқ-овқат саноатини ривожлантиришнинг маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш. И.ф.н.дисс.08.00.11-Маркетинг. – Тошкент, 2012. - 175 б.; Умаров И.Ю. Озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш (Андижон вилояти мисолида) И.ф.н.дисс. 08.00.03–Индустриал тармоқлар иқтисодиёти. – Тошкент, 2009. - 148 б.; Абдуллаев А.Ж. Қурилиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш стратегияси (Тошкент вилояти мисолида). 08.00.15–Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти; 08.00.03–Саноат иқтисодиёти (иқтисодиёт фанлари). – Т., 2019.

Тадқиқотнинг вазифалари:

саноат тармоғидаги кичик бизнес корхоналари фаолияти асосий тамойиллари ҳамда ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларини ёритиб бериш; кичик саноат корхоналари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг услубий масалаларини тадқиқ этиш;

Ўзбекистон Республикаси, жумладан, Фарғона вилоятида кичик саноат корхоналари фаолиятининг асосий иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиш орқали асосий тенденцияларни аниқлаш;

Фарғона вилоятидаги кичик саноат корхоналари фаолиятининг самарадорлик даражасини баҳолаш;

кичик корхоналарда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини ошириш йўллари аниқлаш;

кичик саноат корхоналарининг йирик корхоналар билан кооперацион алоқаларини кучайтириш, уларда инновацион жараёнларни рағбатлантирувчи иқтисодий механизмларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон, жумладан, Фарғона вилоятидаги саноат кичик корхона ва микрофирмаларининг иқтисодий фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предметини саноат тармоғида кичик бизнес корхоналари иқтисодий самарадорлигини ошириш жараёнида вужудга келувчи иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, монографик баён усули, ижтимоий сўров ўтказиш, мантиқий ва иқтисодий-статистик таҳлил, таққослаш, статистик маълумотларни гуруҳлаш, эксперт баҳолаш, илмий абстракциялаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

вилоят туман ва шаҳарларида саноат ишлаб чиқариш ҳажмида “эришилган юқори натижадан мўлжал олиш” тамойилини қўллаш асосида кичик саноат корхоналари улушини ошириш орқали саноат тармоғининг таркибий тузилишини такомиллаштириш таклифи ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон, Учкўприк, Бешариқ, Бағдод ва Қува туманлари ҳудудларида маҳаллий минерал хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш орқали рақобатбардош экспортбоп тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган саноат корхоналари фаолиятини ташкил этишда кичик корхоналар билан саноат кооперациялари имкониятларидан фойдаланиш таклифи асосланган;

кичик саноат зоналари ишлаб чиқариш инфратузилмасини замонавий туман ва туманлараро логистика марказлари фаолиятини йўлга қўйиш орқали такомиллаштириш асосида кичик корхоналар самарадорлигини ошириш имкониятлари асосланган;

туман ва шаҳарларнинг иқтисодий ва ресурс салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда ҳудуд саноатини диверсификация қилиш, юқори қўшилган қийматли ишлаб чиқаришларни иқтисодий манфаатлар мувофиқлигининг

“тадбиркорлик субъекти – ҳудуд – миллий хўжалик” иерархик ёндашувига кўра мақбул жойлаштириш орқали кичик корхоналари самарадорлигини ошириш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

саноат тармоғидаги кичик бизнес корхоналари фаолиятининг асосий тамойиллари, уни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларини ёритиб берилган;

саноат корхоналари фаолияти самарадорлигини баҳолашда унинг кўламини ҳисобга олувчи услубий ёндашувлар тадқиқ этилган;

мамлакатда кичик саноат корхоналари фаолиятининг асосий тенденциялари аниқланган;

Фарғона вилоятидаги кичик саноат корхоналари фаолиятининг самарадорлиги даражаси баҳолашиб, уни ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

кичик саноат корхоналарида инновацион жараёнларни рағбатлантирувчи иқтисодий механизмларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалар, жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотларидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти асосий таклиф ва тавсиялардан саноат тармоғида кичик бизнес корхоналари иқтисодий самарадорлигини оширишга оид илмий-услубий аппарат ҳамда мавзуга оид махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклиф ва амалий тавсиялардан саноат тармоғида кичик бизнес корхоналари иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича ишлаб чиқиладиган дастурий ҳужжатларда, соҳани самарали ривожлантириш қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Саноат тармоғида кичик бизнес корхоналари иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган илмий-услубий таклиф ва тавсиялар асосида:

Фарғона вилояти саноат тармоғининг таркибий тузилишини вилоят туман ва шаҳарларида саноат ишлаб чиқариш ҳажмида “эришилган натижадан мўлжал олиш” тамойилини қўллаш асосида кичик саноат корхоналари улушини ошириш орқали такомиллаштириш таклифидан “Фарғона вилоятида саноатни барқарор ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг 2022 йил 3 августдаги 03/25-2323-сонли ҳамда Фарғона вилояти Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни

қисқартириш Бош бошқармасининг 2021 йил 17 декабрдаги 417/09-сонли маълумотномалари). Мазкур таклифни амалиётга жорий этиш натижасида “эришилган натижадан мўлжал олиш” тамойилини қўллаш асосида кичик саноат корхоналари орқали вилоят саноат тармоғининг таркибий тузилишини такомиллаштириш ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмини 5841,1 млрд. сўмга ошириш имкони яратилган;

Ўзбекистон, Учкўприк, Бешарик, Бағдод ва Қува туманлари ҳудудларида маҳаллий минерал хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш орқали рақобатбардош экспортбоп тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган саноат корхоналарининг фаолиятини ташкил этишда кичик корхоналар билан саноат кооперациялари имкониятларидан фойдаланиш таклифи “Фарғона вилоятида саноатни барқарор ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури”ни ишлаб чиқишда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг 2022 йил 3 августдаги 03/25-2323-сонли ҳамда Фарғона вилояти Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш Бош бошқармасининг 2021 йил 17 декабрдаги 417/09-сонли маълумотномалари). Мазкур таклифни амалиётга жорий этиш натижасида Фарғона вилоятининг Ўзбекистон, Учкўприк, Бешарик, Бағдод ва Қува туманларида маҳаллий минерал хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш орқали рақобатбардош экспортбоп тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган саноат корхоналарининг фаолият самарадорлигини ошириш имкони яратилган;

кичик саноат зоналари ишлаб чиқариш инфратузилмасини замонавий туман ва туманлараро логистика марказлари фаолиятини йўлга қўйиш орқали такомиллаштириш асосида кичик корхоналар самарадорлигини ошириш таклифидан “Фарғона вилоятида саноатни барқарор ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг 2022 йил 3 августдаги 03/25-2323-сонли ҳамда Фарғона вилояти Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш Бош бошқармасининг 2021 йил 17 декабрдаги 417/09-сонли маълумотномалари). Мазкур таклифни амалиётга жорий этиш натижасида кичик саноат зоналарини ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ижтимоий инфратузилма билан таъминлаш, шунингдек, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари иштирокчиларига сифатли логистика хизматлари кўрсатиш бўйича замонавий инфратузилмани такомиллаштириш имкони яратилган;

туман ва шаҳарларнинг иқтисодий ва ресурс салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда ҳудуд саноатини диверсификация қилиш, юқори қўшилган қийматли ишлаб чиқаришларни иқтисодий манфаатлар мувофиқлигининг “тадбиркорлик субъекти – ҳудуд – миллий хўжалик” иерархик ёндашувига кўра мақбул жойлаштириш орқали кичик корхоналар самарадорлигини ошириш таклифидан “Фарғона вилоятида саноатни барқарор ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг 2022 йил

3 августдаги 03/25-2323-сонли ҳамда Фарғона вилояти Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш Бош бошқармасининг 2021 йил 17 декабрдаги 417/09-сонли маълумотномалари). Мазкур таклифни амалиётга жорий этиш натижасида Фарғона вилоятида саноатини диверсификация қилиш, қўшилган қийматли ишлаб чиқаришларни туман ва шаҳарларнинг иқтисодий ва ресурс салоҳиятидан келиб чиқиб, мақбул жойлаштириш ишларини самарали олиб бориш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 149 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва илмий аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг республикада олиб борилаётган фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, унинг илмий янгиликлари ва амалий натижалари изоҳлаб берилган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳамда ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Саноат тармоғидаги кичик бизнес корхоналари фаолияти самарадорлигининг назарий-услубий асослари”** номли биринчи бобида саноат тармоғидаги кичик бизнес корхоналари фаолиятининг асосий тамойиллари, уни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилиб, шу асосда кичик саноат корхоналари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг услубий асослари тадқиқ этилган.

Саноат тармоғидаги кичик бизнес корхоналари фаолияти самарадорлигининг назарий-услубий асосларини ўрганиш, аввало, мазкур фаолиятнинг асосий тамойилларининг аниқ белгилаб олинишини тақозо этади. Кичик бизнес назарияси ва амалиёти борасидаги таҳлилий тадқиқотлар кўрсатадики, кўп ҳолларда кичик бизнеснинг умумий ривожланиш жиҳатларига эътибор қаратилади. Бунда унинг тармоқ ёки иқтисодий фаолият турлари орасидаги етакчи соҳалар назардан четда қолади. Ҳолбуки, муаллифнинг фикрича, умумий кичик бизнес субъектлари орасида кичик саноат корхоналарини ривожлантириш нисбатан устуворликка эга бўлиши керак. Чунки кичик саноат корхоналарининг бошқа тармоқ корхоналарига

нисбатан афзаллик ва имкониятлари мавжуд. Саноат тармоғидаги кичик бизнес корхоналарини устувор ривожлантириш орқали бутун кичик бизнеснинг янада ривожланишига эришиш мумкин. Буни қуйидаги ҳолатлар орқали изоҳлаш мумкин:

1) саноат ишлаб чиқариши ўзаро боғлиқ ҳамда бир-бирини тўлдирувчи кўплаб операцияларни ўз ичига олувчи жараёнлардан иборат бўлиб, бу ишлаб чиқариш кооперацияси учун қулай шароит яратади. Ишлаб чиқариш кооперацияси эса мавжуд корхоналар фаолияти кенгайтириши ҳамда янги корхоналар ташкил этилишини рағбатлантиради;

2) саноат корхоналарида ишлаб чиқариш истеъмоли ҳамда шахсий истеъмол аҳамиятидаги хилма-хил маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, уларнинг бевосита истеъмолчига етказиб берилиши кўплаб улгуржи ва чакана савдо, таъминот ва бошқа тижорат корхоналари фаолиятини тақозо этади;

3) саноат корхоналарининг ташкил этилиши ва ривожланиши ўз навбатида транспорт, ахборот-коммуникация, банк-молия, бозор ва бошқа хизматларни амалга оширувчи корхоналар фаолияти ташкил этилишига таъсир кўрсатади.

Диссертация ишида саноат тармоғининг муайян хусусиятли белги ёки жиҳатлари билан иқтисодийнинг бошқа тармоқларидан аҳамиятли даражадаги фарқланиши қишлоқ хўжалиги ва қурилиш тармоқлари мисолида таққослама таҳлил қилинди. Шунингдек, умумий саноат корхоналари ҳамда кичик саноат корхоналарининг ўзига хос хусусиятларини ўзаро таққослаш амалга оширилди (1-жадвал).

1-жадвал

Умумий саноат корхоналари ҳамда кичик саноат корхоналарининг ўзига хос хусусиятларини ўзаро таққослаш³

Умумий саноат корхоналари	Кичик саноат корхоналари
Саноат корхоналарининг микроиқтисодий тизим ва мол-мулк комплекси сифатида намоён бўлиши	Кўлам жиҳатдан чекланган микроиқтисодий тизим сифатида намоён бўлиши. Аксарият ҳолатларда мол-мулк қиймати жиҳатидан муайян чегараларга эга бўлиши
Тайёр маҳсулотнинг ихтисослашув ҳамда минимал самарали ишлаб чиқаришнинг қиймат жиҳатидан чегарасига эга бўлиши	Тайёр маҳсулот ихтисослашувининг бирмунча юқори даражаси намоён бўлиши. Минимал самарали ишлаб чиқаришнинг қиймат жиҳатидан чегарасининг кичик бизнес субъекти сифатидаги ишлаб чиқариш ҳажми чегараси билан уйғунлашуви
Корхоналар фаолияти моддий активлар, микёсли ишлаб чиқариш инфратузилмасига асосланиб, асбоб-ускуна ва технологияларга аҳамиятли даражадаги инвестицияларни тақозо этиши	Кичик бизнес корхоналари фаолиятида моддий активлар, асбоб-ускуна ва технологияларга талаб қилинадиган инвестиция ҳажмининг нисбатан аҳамиятсиз даражаси
Саноат корхоналарининг мураккаб ташкилий тузилмага эга бўлиши	Кичик саноат корхоналарининг мураккаб бўлмаган, содда ташкилий тузилмага эга бўлиши
Контрагентлар билан контрактациянинг мураккаб ва узок муддатли ҳисобланиши	Контрагентлар билан контрактациянинг соддалиги ва нисбатан узок муддатли эмаслиги

³ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Бугунги кунда давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан кичик ишлаб чиқариш секторини тартибга солиш жараёнида нафақат кичик тадбиркорлик учун умумий бўлган, мавжуд ва келиб чиқувчи муаммоларни, балки фақат кичик саноат бизнесига хос муаммоларни ҳам ҳисобга олиниши лозим.

Жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари саноат тармоқларидаги кичик бизнес субъектлари миқдорий чегараларини тадқиқ этиш орқали мазкур тармоққа оид катор ўзига хос хусусиятларни аниқлаш имконига эга бўлинди:

фирманинг ўртача ҳажмини ошириш орқали янги рақобатчиларнинг тармоққа кириш имкониятларини чеклаш;

саноат ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятида технологик ва инновацион жараёнларнинг нисбатан устувор аҳамият касб этиши;


трансмиллий корпорациялар билан кластер ташкилотлари тизими орқали боғлиқ фаолиятга ихтисослашган корхоналарнинг кичик саноат корхоналари миқдорий чегарасига таъсири.

Кичик корхоналар йирик ҳамкорнинг катта технологик занжирининг бўғинига айланиб, маълум даражада ўз мустақилликларини йўқотадилар. Бироқ бу кичик фирмалар раҳбарларига мустақил бошқарув қарорларини қабул қилишга ҳалақит бермайди. Бундан ташқари кичик корхоналар мавқеи уларга солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизимида кўзда тутилган имтиёзлардан тўлиқ ҳолда фойдаланиш имконини беради. Узоқ муддатли истеъмол товарлари, маиший техника, транспорт воситалари ишлаб чиқаришни кенгайтириш сервис ва таъмирлаш хизматларига эҳтиёжни келтириб чиқаради. Бу бўшлиқни кичик компаниялар фаол равишда тўлдиради, чунки йирик компаниялар учун филиаллар ва сервис-марказларининг кенг тармоғини назорат қилиш мураккаб ва кўп харажатли ҳисобланади.

Кичик саноат корхоналарининг иқтисодий самарадорлигини оширишда мазкур жараёни баҳолаш масалалари муҳим ўрин тутди. Кичик саноат корхоналари фаолияти иқтисодий самарадорлигининг тўғри ва аниқ баҳоланиши бу корхоналарда ишлаб чиқаришнинг нақадар самарали ташкил этилгани, мавжуд ишлаб чиқариш омилларидан тежамли ва оқилона фойдаланилаётганликни кўрсатади. Тадқиқот ишида саноат тармоқларида кичик инновацион корхоналар фаолиятининг миллий ва хорижий тажрибасини таҳлили натижасига асосланган ҳолда кичик инновацион корхоналар фаолиятининг хусусиятлари аниқланган бўлиб, кичик саноат корхоналари фаолияти иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг самарали кўрсаткичлари белгилаб олинди.

Кичик бизнес корхонасининг иқтисодий самарадорлиги барча субъектлар томонидан ҳам баҳолаб борилмаслиги мумкин. Шунга кўра, улар фаолият самарадорлигининг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, тармоқ (тегишли тармоқ вазирилик ва идоралари) ва ҳудуд (маҳаллий бошқарув идоралари) кесимида жамланган тарзда мунтазам баҳолаб бориш тавсия этилади. Маълумотлар

тармоқ кесимида – тегишли тармоқ бўйича статистика идораларидан, ҳудуд бўйича эса – ҳудудий бошқарув идораларидан олинади (1-расм).



1-расм. Кичик саноат корхоналари фаолияти иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг самарали кўрсаткичлари⁴

Тадқиқот ишининг “**Фарғона вилоятида кичик саноат корхоналари фаолияти самарадорлиги ҳолати**” номли иккинчи бобида Фарғона вилоятида кичик саноат корхоналари фаолиятининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилинган, вилоят кичик саноат корхоналари фаолиятининг асосий тенденциялари аниқланган ҳамда унинг самарадорлик даражаси баҳоланган.

Ўзбекистонда кичик бизнес субъектлари мезонларидан келиб чиққан ҳолда, саноат тармоғидаги микрофирма ва кичик корхоналарнинг миқдорий чегараларини қуйидаги жадвал орқали ифодалаш мумкин (2-жадвал).

⁴ Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

2-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, таҳлил даврида “Қува текстил” МЧЖ корхонаси балансининг активи ҳажми олдинги йилга нисбатан ўсиб бормоқда. Жумладан, ўтган йилга ўсиш 2019 йилда 122,6 фоизни, 2020 йилда 121,9 фоизни, 2021 йилда 111,2 фоизни ташкил этган.

2-жадвал

Саноат тармоғидаги микрофирма ва кичик корхоналарнинг миқдорий чегаралари⁵

Кўрсаткич	Микрофирма	Кичик корхона
Ишлаб чиқариш тармоқларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони	кўпи билан 20 киши	-
Енгил, озиқ-овқат саноатидаги ва қурилиш материаллари саноатидаги, банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони	-	кўпи билан 200 киши
Металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочсозлик, мебель саноатидаги, шунингдек, қонунчиликда назарда тутилган бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларидаги, банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони	-	кўпи билан 100 киши
Машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва уларни қайта ишлаш, қурилиш ҳамда қонунчиликда назарда тутилган бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони	-	кўпи билан 50 киши

Корхона бухгалтерия баланси пасивининг таҳлили унинг таҳлил даври динамикасидаги ижобий ҳолатларни намоён этади. Хусусан, ўзлик маблағларининг манбалари олдинги йилга нисбатан барқарор тарзда ошиб бормоқда (йиллар бўйича тегишли равишда 170,2; 148,3; 135,4 фоиз).

Мажбуриятлар эса, аксинча, бир маромда пасайиб бормоқда (йиллар бўйича тегишли равишда 88,3; 85,3; 52,8 фоиз). Бундай пасайишни, айниқса, кредиторлик қарзларининг кескин камайиб бориши (йиллар бўйича тегишли равишда 171,0; 88,6; 2,8 фоиз) билан изоҳлаш мумкин. Шунингдек, “Қува текстил” МЧЖ фаолияти иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар қийматлари ҳисоблаб чиқилди (3-жадвал).

Мол-мулк рентабеллиги корхонага тегишли мол-мулкнинг ҳар бир бирлигига тўғри келувчи соф фойда миқдорини аниқлаш имконини бериб, унинг меъёрдаги кўрсаткичи 0 дан юқори бўлиши керак. Демак, “Қува текстил” МЧЖ мисолида ўрганилса, таҳлил қилинаётган йиллар давомида мол-мулк рентабеллиги 0,018 дан 0,207 оралиғида бўлган. Мазкур кўрсаткич меъёр даражасига мувофиқ келса-да, бироқ йиллар бўйича тебраниши корхона самарадорлиги кўрсаткичларининг барқарорлигини таъминлаш йўналишидаги чора-тадбирларга эҳтиёж мавжудлигини кўрсатади.

Фарғона вилояти кичик бизнес корхоналари қайта ишлаш саноатининг таркибида тўқимачилик, кийим, тери ва унга тегишли маҳсулотларни ишлаб чиқариш, озиқ-овқат, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш тармоқчаларининг солиштирма салмоғи аҳамиятли эканлигини кузатиш мумкин. Лекин йиллар давомида мазкур солиштирма салмоқ қийматлари

⁵ Муаллиф томонидан такомиллаштирилган

ўзгариб турганлиги сабабли, таҳлил қилинаётган даврда айнан қайси тармоқ аҳамиятлироқ ўрин тутишига аниқ баҳо бериб бўлмайди.

3-жадвал

“Қува текстил” МЧЖ фаолияти иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар⁶


Кўрсаткич	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Айланиш коэффиценти	4,40	5,52	5,78	4,91
Айланиш куни	81,8	65,2	62,3	73,3
Айланиш салмоғи коэффиценти	0,23	0,18	0,17	0,20
Айланиш тезлашиши ёки секинлашиши ҳисобига маблағлар бўшаши ёки қўшимча жалб этилиши:				
А) кунда (минг сўм)	х	-16,6	-2,9	11,0
Б) суммада	х	-6704,5	-1691,0	6365,2
Мол-мулк рентабеллиги	0,018	0,207	0,085	0,127
Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотиш бўйича рентабеллик	0,186	0,492	0,189	0,173
Соф рентабеллик	0,027	0,188	0,065	0,109
Умумий рентабеллик	0,023	0,318	0,112	0,160
Ўзига қарашли капитал рентабеллиги	0,042	0,356	0,121	0,015
Асосий воситаларнинг эскириш қиймати рентабеллиги	0,228	2,236	0,574	0,623
Асосий воситалар қайтими	1,005	2,167	2,060	1,769
Машина ва ускуналар қайтими	1,828	3,736	3,887	3,468
Асосий воситалар сиғими	0,995	0,461	0,485	0,565
Машина ва ускуналар сиғими	0,547	0,268	0,257	0,288
Автономия коэффиценти	0,4186	0,5811	0,7069	8,6091
Қарзга олинган ва ўз маблағлари нисбати коэффиценти	1,3889	0,7208	0,4146	0,0162
Узоқ муддатли қарз маблағлари таркиби коэффиценти	0,4872	0,3213	0,2076	0,0149
Ўзига қарашли маблағларнинг чакқон ҳаракатчанлик коэффиценти	0,4226	0,3793	0,3336	0,0303
Эскиришнинг жамланиш коэффиценти	0,1182	0,1819	0,2339	0,3103
Асосий воситаларнинг аниқ қиймати коэффиценти	0,6576	0,5084	0,6371	0,6582
Жами мулкнинг ҳаракатчанлик коэффиценти	0,1769	0,2204	0,2358	0,2613

Шунга кўра, вилоятдаги ҳар бир тармоқча бўйича таҳлил давридаги солиштирма салмоқларнинг ўртача қийматини аниқлаш ҳамда ўзаро таққослаш мақсадга мувофиқ (2-расм).

2-расм маълумотларига кўра, Фарғона вилоятида ҳам худди республикадаги сингари таҳлил даврида энг юқори ўртача салмоқни тўқимачилик, кийим, тери ва унга тегишли маҳсулотларни ишлаб чиқариш (34,7 %) эгаллаган. Бироқ кейинги ўринда республикадагидан фарқли ўлароқ, бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш (18,6 %) эгаллаган. Учинчи ўринда озиқ-овқат, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб

⁶ “Қува текстил” МЧЖ молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

чиқариш (12,7 %) туради. Бу борада энг паст кўрсаткич асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш (0,2 %)га тўғри келмоқда.



2-расм. Фарғона вилояти кичик бизнес корхоналари қайта ишлаш саноати таркибидаги тармоқчалар солиштирма салмоғининг 2015-2021 йиллардаги ўртача қиймати (%да)⁷

Юқорида амалга оширилган тартибга мувофиқ, Фарғона вилояти бўйича ҳам таҳлил давридаги тармоқчалараро ҳар йиллик ўзгаришларнинг умумий йиғиндисига қараб баҳолаш ишлари амалга оширилади. Тавсия этилган формула ёрдамида аниқланган вилоят кичик бизнес корхоналари қайта ишлаш саноати таркибидаги тармоқчалар солиштирма салмоғининг 2015-2021 йиллардаги ўзгариш тавсифи ва даражасини қуйидаги жадвал орқали ифодалаш мумкин (4-жадвал).

4-жадвал маълумотларига кўра, 2015-2021 йилларда Фарғона вилояти кичик бизнес корхоналари қайта ишлаш саноати таркибидаги тармоқчалар солиштирма салмоғининг ўзгариш тавсифи жиҳатидан металлургия саноати; тўқимачилик, кийим, тери ва унга тегишли маҳсулотларни ишлаб чиқариш жадал даражада ўсишни, мебель ишлаб чиқариш мўътадил даражада ўсишни, асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш; озиқ-овқат, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш; кимё маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми аҳамиятсиз даражада ўсишни намоён этмоқда. Бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш, машина ва ускуналар таъмирлаш ва ўрнатишда эса ўзгариш мавжуд эмас. Аксинча, электр ускуналар ишлаб чиқариш; машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш аҳамиятсиз даражада пасайишни; қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш мўътадил даражада пасайишни;

⁷Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш; бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш юқори даражада пасайишни намойиш этган. Бу ҳолат Фарғона вилояти кичик бизнес корхоналари саноат ишлаб чиқаришини янада кенгайтириш ва ривожлантиришда фойдаланилмаган захиралар мавжудлигини кўрсатади.

4-жадвал

Фарғона вилояти кичик бизнес корхоналари қайта ишлаш саноати таркибидаги тармоқчалар солиштирма салмоғининг 2015-2021 йиллардаги ўзгариш тавсифи ва даражаси⁸

Ўзгариш тавсифи ва даражаси	Қиймати	Тармоқчалар
Юқори даражада ўсиш	3,1 ф.п. ва ундан юқори	-
Жадал даражада ўсиш	2,1 ф.п. дан 3 ф.п.гача	Металлургия саноати (2,5); тўқимачилик, кийим, тери ва унга тегишли маҳсулотларни ишлаб чиқариш (2,6)
Мўътадил даражада ўсиш	1,1 ф.п. дан 2 ф.п.гача	Мебель ишлаб чиқариш (1,9)
Аҳамиятсиз даражада ўсиш	0,1 ф.п. дан 1 ф.п.гача	Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш (0,3); озиқ-овқат, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш (0,8); кимё маҳсулотларни ишлаб чиқариш (0,8)
Ўзгариш мавжуд эмас	0	Бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш, машина ва ускуналар таъмирлаш ва ўрнатиш (0,0)
Аҳамиятсиз даражада пасайиш	-1 ф.п. дан -0,1 ф.п.гача	Электр ускуналар ишлаб чиқариш (-0,5); машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш (-0,1)
Мўътадил даражада пасайиш	-2 ф.п. дан -1 ф.п.гача	Қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс этириш (-1,7)
Жадал даражада пасайиш	-3 ф.п. дан -2 ф.п.гача	-
Юқори даражада пасайиш	-3 ф.п. дан паст	Резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш (-6,1); бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш (-5,9)

Фарғона вилоятида иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган кичик тадбиркорлик субъектлари сони бўйича маълумотларни қуйидаги жадвал орқали ўрганиб чиқиш мумкин (5-жадвал).

5-жадвал маълумотларидан кўринадики, Фарғона вилояти саноат тармоғидаги кичик бизнес корхоналарининг демографик коэффицентлари умумий ҳолда яхшиланиб бормоқда. Жумладан, умумий рўйхатга олинган саноат тармоғи кичик бизнес корхоналари сонига нисбатан ҳисобланган корхоналарнинг фаоллиги коэффиценти таҳлил даври бошидаги 0,97 дан 0,99 га қадар ошган.

Мос равишда, мазкур кўрсаткичга тесқари тавсифдаги кўрсаткич – корхоналарнинг нофаоллиги коэффиценти 0,03 дан 0,01 га қадар пасайган.

⁸ Муаллиф томонидан тузилган.

Корхоналарнинг янгиланиш коэффиценти 0,15 дан 0,22 га қадар ошган бўлса, тугатилиш коэффиценти 0,09 дан 0,02 га қадар пасайган.

5-жадвал

Фарғона вилоятида саноат тармоғи бўйича рўйхатга олинган, фаол ва нофаол, янги ташкил этилган ва тугатилган кичик тадбиркорлик субъектлари сони (1 январь ҳолатига кўра, бирликда)⁹

Иқтисодий фаолият турлари	2016 й.		2017 й.		2018 й.		2019 й.		2020 й.	
Рўйхатга олинган										
Иқтисодий фаолият турлари бўйича жами	18775	100	18192	100	20502	100	23542	100	29599	100
Шу жумладан, саноат	4463	23,8	4520	24,8	5372	26,2	6255	26,6	7669	25,9
Фаол										
Иқтисодий фаолият турлари бўйича жами	18108	100	17802	100	20225	100	23304	100	29300	100
Шу жумладан, саноат	4309	23,8	4441	24,9	5321	26,3	6215	26,7	7611	26,0
Нофаол										
Иқтисодий фаолият турлари бўйича жами	667	100	390	100	277	100	238	100	299	100
Шу жумладан, саноат	154	23,1	79	20,3	51	18,4	40	16,8	58	19,4
Янги ташкил этилган										
Иқтисодий фаолият турлари бўйича жами	2260	100	2510	100	3292	100	3780	100	6712	100
Шу жумладан, саноат	652	28,8	770	30,7	1142	34,7	1155	30,6	1660	24,7
Тугатилган										
Иқтисодий фаолият турлари бўйича жами	1580	100	2679	100	1046	100	775	100	650	100
Шу жумладан, саноат	389	24,6	645	24,1	241	23,0	211	27,2	156	24,0

Диссертациянинг “Фарғона вилоятида кичик саноат корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш йўналишлари” номли учинчи бобида кичик корхоналарда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини ошириш, кичик саноат корхоналарининг йирик корхоналар билан кооперацион алоқаларини кучайтириш, кичик саноат корхоналарида инновацион жараёнларни рағбатлантирувчи иқтисодий механизмларни такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган.

Кичик саноат корхоналарида асосий вазифаларни тўлиқ амалга ошириш шароитлари ва имкониятларини таъминлаш уларнинг фаолият самарадорлигини оширишдаги муҳим шартлар ҳисобланади. Яъни кичик саноат корхоналари ўз олдига қўйилган вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлаган ҳолдагина унинг фаолият самарадорлигини юқори деб баҳолаш мумкин. Фарғона вилояти иқтисодиёти, шу жумладан,

⁹Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

саноат тармоғининг таркибий жиҳатдан қайта тузилишини фаоллаштириш кичик саноат корхоналарининг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Кичик саноат корхоналари воситасида муайян ҳудуд саноат тармоғи таркибий жиҳатдан қайта тузилишини такомиллаштириш имкониятларини аниқлашда қуйидаги услубий ёндашувдан фойдаланиш тавсия этилади (3-расм).

Тадқиқот ишида тавсия этилаётган услуб кичик саноат корхоналари воситасида Фарғона вилояти саноат тармоғини таркибий жиҳатдан қайта тузишни такомиллаштириш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади. Вилоят ишлаб чиқариш саноати таркибидаги фаолият турлари солиштирма салмоқларининг 2016-2020 йиллардаги ўртача қийматларини аҳамиятига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1) 0 га тенг, яъни иқтисодий фаолиятнинг умуман мавжуд бўлмаслиги (тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш). Бу ўринда мазкур фаолият тури, яъни тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш муайян даражадаги ихтисослашув ҳамда тегишли шарт-шароитларни тақозо этиши сабабли йўлга қўйилмаган;

2) 0,1 дан 4,2 фоизгача. Бу ерда 4,2 фоиз ишлаб чиқариш саноати бўйича умумий салмоқ (100 фоиз)ни иқтисодий фаолият турлари сони (24)га бўлиш орқали аниқланган ($\frac{100\%}{24} \approx 4,16\%$);

3) 4,2 фоиздан юқори. Эътиборли жиҳати шундаки, бу қийматдан катта салмоққа эга бўлган иқтисодий фаолият турлари у қадар кўп бўлмаса-да (атиғи 5 та), лекин уларнинг қиймати сезиларли даражада фарқ қилади. Масалан, ушбу қийматдан тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш – 6,7 марта, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш – 4,1 марта, кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш – 3,7 марта, бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш – 2,9 марта, кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш – 2,3 марта юқори.


4. Ушбу иқтисодий фаолият турлари бўйича солиштирма салмоқ қийматлари йиғиндиси ($17,3+28,0+15,5+9,6+12,0=82,4\%$) 100 фоиздан айириб ташланса, 17,6 фоиз – ишлаб чиқариш тармоғи таркибидаги ривожлантириш ва кенгайтириш талаб этилувчи қисм ҳисобланади.

Ҳисоб-китоблар кўрсатадики, “эришилган натижадан мўлжал олиш” тамойилини қўллаш натижасида кичик саноат корхоналари воситасида вилоят саноат тармоғининг таркибий тузилишини такомиллаштириш ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмини 5841,1 млрд. сўмга ошириш имкониятига эришилади.

Тадқиқот ишида Фарғона вилоятидаги истеъмол бозори ҳажмининг бозор сиғимини тўлдиришга етмаган қисмини кичик саноат корхоналари ишлаб чиқаришини йўлга қўйиш орқали таъминлаш таклифи асослаб берилди. Бунда муаллиф томонидан ишлаб чиқилган вилоят истеъмол бозорининг товарлар билан тўйинганлик даражаси аниқлаш услубидан фойдаланилди.

Фарғона вилоятидаги аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари ҳажми тўғрисидаги маълумотларга асосланган ҳолда, ҳар бир ҳудуд бўйича аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари ҳажми кўрсаткичини вилоят бўйича ўртача кўрсаткичга таққослаш орқали тафовут

даражаси аниқланди ва индекс кўрсаткичлари орқали ифодаланди. Шунингдек, 2020 йилда аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари ҳажмини вилоят бўйича ўртача кўрсаткич даражасига етказиш учун қўшимча ишлаб чиқарилиши зарур бўлган истеъмол товарлари ҳажми аниқлаб олинди.



3-расм. Кичик саноат корхоналари воситасида муайян ҳудуд саноат тармоғи таркибий жиҳатдан қайта тузилишини такомиллаштириш имкониятларини аниқлаш услуги¹⁰

Мазкур ҳажми ҳудуддаги аҳоли сонига кўпайтириш орқали ҳудудлар бўйича ўртача кўрсаткич даражасига етиш учун ишлаб чиқарилиши зарур бўлган истеъмол товарлари ҳажми аниқланди. Вилоятда 2020 йилда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми (21701,2 млрд. сўм)нинг тармоқдаги кичик бизнес корхоналари сони (7660 бирлик)га нисбати орқали битта корхона томонидан ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотлари ўртача ҳажми (2,83 млрд. сўм) аниқлаб олинди. Ҳудудлар бўйича ўртача кўрсаткич даражасига етиш учун ишлаб чиқарилиши зарур бўлган истеъмол товарлари ҳажмини 2,83 млрд. сўмга бўлиш орқали ҳар бир ҳудудда қўшимча равишда ташкил этилиши

¹⁰ Муаллиф томонидан тузилган.

лозим бўлган кичик саноат корхоналари сони (жами 1116 бирлик) ҳисоблаб чиқилди.

Агар тегишли статистик маълумотлар таъминоти ижобий ҳал этилса, у ҳолда мазкур услуб ёрдамида истеъмол товарларининг асосий гуруҳлари бўйича бозорнинг тўйинганлик даражасини таҳлил қилиш ҳамда истеъмол товарларининг тақчил товар гуруҳлари бўйича кичик саноат корхоналари фаолиятини йўлга қўйиш муҳим масала ҳисобланади.

Фарғона вилоятидаги маҳаллий ҳокимият органларининг ижтимоий-иқтисодий асосини мустаҳкамлаш кичик саноат корхоналарининг олдидаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Маҳаллий иқтисодиёт таркибида саноат ишлаб чиқаришининг тутган ўрни ва мавқеини эътироф этган ҳолда, амалда барча ҳудудларда ҳам мазкур ҳолатни таъминлаш имкон даражасида эмаслигини таъкидлаш лозим. Жумладан, буни Фарғона вилояти бўйича жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмида ҳудудлар улуши орқали ҳам кузатиш мумкин. Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши жиҳатидан вилоят маркази – Фарғона шаҳри етакчилик қилиб, бу ҳудудга вилоят саноат ишлаб чиқаришининг тахминан 1/3 қисми тўғри келади.


Таъкидлаш лозимки, вилоят шаҳарлари (Фарғона, Қўқон, Қувасой, Марғилон)да саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг улуши туманларга нисбатан юқорироқ кўрсаткични ташкил этмоқда. Бу ўринда истисно тариқасида Тошлоқ (2020 йил ҳолатига 10,7 фоиз) ва Учкўприк (2020 йил ҳолатига 8,0 фоиз) туманларини келтириш мумкин. Сўх, Фурқат ва Ёзёвон туманларида ушбу кўрсаткич 1 фоизли даражасига ҳам етмаган.

